



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
бўюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 19 июнь, № 118 (4271)

Сешанба



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

## СИФАТИ — АЪЛО, САМАРАСИ — ЮКСАК

Маҳаллийлаштириш дастурига асосан, бугунги кунда "ЎзДЭАавто" автомобиллари учун бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг салмоқли қисми ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, Хонобод шаҳридаги "Ўз-Коджи" Ўзбекистон-Жанубий Корея

қўшма корхонаси бу жараёнда фаол иштирок этапти. Бу ерда автомобиллар учун юқори сифатли сим ўрловлари тайёрлаб берилаётди.

Корхонада иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, айни пайтда 652 нафар киши меҳнат қиляпти.

Уларнинг қирқдан зиёди ўз маҳоратини Корея Республикасида ошириб қайтгани ишлаб чиқаришда қўл келмоқда.

Жамоа жорий йил охиригача "ЎзДЭАавто" автомобилларига 170 минг дона маҳсулот етказиб бериш

йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

**СУРАТДА:** қўшма корхона ишчиси Набирахон Усмоналиева иш устида.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

### Фам Зуй ШОН: «МЕН МАМЛАКАТИМНИ, ЯРАТУВЧИ, МЕҲНАТСЕВАР ВА МЕҲМОНДУСТ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ ЧИН ҚАЛБИМДАН СЕВАМАН»

Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фам Зуй Шоннинг мамлакатимиздаги дипломатия миссияси якунланди. Ватанга жўнаб кетиши олдиндан элчи жаноблари «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоб беришга бажонидан рози бўлди.

— Муҳтарам элчи жаноблари, Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолатини қандай баҳолайсиз?

— Ассалому алайкум. Менинг ўзгал мамлакатимиздаги фаолиятим ниҳоятда яхши. Ўзбекистоннинг меҳмондуст, самимий ва оқуғил халқи

(Давоми 2-бетда).

### Руслан ЧАГАЕВ:

## ЁШЛАРИМИЗ КУЧЛИ, ЧАҚҚОН, ИҚТИДОРЛИ

Шу йилнинг апрель ойида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан боксининг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаевнинг махсус жамғармаси ташкил қилинган эди. Кунга кеча мазкур жамғарма мамлакатимиздаги 70 нафар иқтидорли ёш спортчилни ўз грантлари билан тақдирлади.

Пойтахтимиздаги «Юниор форум» Болалар спорт мажмуасида бўлиб ўтган мазкур маросимда ёш спортчилар, уларнинг ўқитувчи ва мураббийлари, ота-оналари қатнашди.

Тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г. Каримова сўз олиб, айни пайтда ёш авлодни соғлом



баркамол қилиб тарбиялашда жамғарма ўз лойиҳа ҳамда танловлари билан фаол қатнашаётганини таъкидлади.

— Укаларим ва сингилларимга грантларни топшириш учун Ўзбекистонга атайин минглаб километр узоқдан келдим, — деди Руслан Чагаев. — Ёшларимизнинг бари кучли, чаққон ва улкан иқтидорга эга. Бу грантлар сиз кадрдонларимни янгидан-янги

марралар, ғалабаларга ундашига ишонман.

Грант эгаларини аниқлашда, ёшларнинг мамлакатимиз ва халқаро майдонлардаги муваффақияти асосий мезон қилиб олинди. Улар спортнинг энгил ва оғир атлетика, бадий гимнастика, каратэ, дзюдо, самбо, кураш, бокс, шашка, шахмат, сузич, баскетбол, акробатика, армрестлинг турлари билан шуғулланади.

Бухоролик Гулсумбегим Алиева грант соҳибларидан бири. У шу йилнинг апрель ойида Германиянинг Берлин шаҳрида шашка бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритди. Бундан ташқари, 14-20 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё, 18 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони ҳисобланади.

— Ниятим гроссмейстер бўлиш, — дейди бизга Гулсумбегим.

— Учинчи синфда ўқийман, — дейди Наманган вилоятидан келган ёш спортчи Шавкатжон. — Трамполдан сакраш бўйича бир неча марта муваффақият қозонганман. Орузим — Руслан акага ўхшаб жаҳон чемпиони бўлиш.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Тошкент, 2007 йил 13 июнь

Халқаро валюта жамғармаси миссияси 2007 йил 4-13 июнь кунлари Ўзбекистон Республикасида бўлди. Миссияга Халқаро валюта жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним бошлиқлик қилди.

Ташрифдан кўзда тутилган мақсад иқтисодий ҳаёт ва иқтисодий сифатдаги сўнгги ўзгаришларни кўриб чиқиш, 2007 йилга мўлжалланган истиқбол кўрсаткичларини аниқлаштириш ва иқтисодий сифат масалалари юзасидан Ўзбекистон ҳукумати билан амалий мулоқотни давом эттиришдан иборат эди. Миссия самарали ҳамкорлик ва ошқаро фикр алмашув учун расмий идораларга алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

2006 йилдаги юқори кўрсаткичлардан сўнг, Ўзбекистоннинг иқтисодий

кўрсаткичлари 2007 йилда ҳам яхши даражада қолмоқда. Бу, айниқса, жорий йилнинг I чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9 фоиздан ортганлигида, жорий ташқи иқтисодий операциялар салбосининг сезиларли даражада иқтисодий бўлганлигида ва олтин-валюта захираларининг янада ошиб бораётганлигида яққол намоён бўлди. Соф ташқи активларнинг юқори суръатларда ошиши пул агрегатларининг ортишида ўз аксини тоғди. Шу билан бирга, инфляция даражасининг пасайиши кузатишда ҳамда банк тизимига бўлган ишонч янада мустаҳкамланмоқда. Солиқ юки камайитирилиб, фазначилик тизимини ислоҳ қилишда сезиларли ютуқларга эришилгани ҳолда оқилона солиқ-бюджет сифатини амалга ошириш давом эттирилмоқда.

Расмий идоралар ва миссия томонидан 2007 йилда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ҳамда тўлов балан-

си барқарорлигининг истиқболлари инобатга олинган ҳолда, инфляция даражасини янада пасайтириш ва молия тизимини ривожлантириш Ўзбекистоннинг асосий устувор вазифаларидан эканлиги эътироф этилди.

Амалга оширилаётган пул-кредит, солиқ-бюджет, ташқи савдо ва алмашув курси сифатининг инфляцияни янада пасайтиришга қаратилганлиги миссия томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ҳукумат томонидан жорий йилнинг охиригача шунга мос равишда қатъий пул-кредит ва пухта ўйланган солиқ-бюджет сифатини амалга ошириш давом эттирилиши, иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда алмашув курси ўзгариши борилиши, савдога монелик қилувчи тўсиқлар янада камайитирилиши, жумладан, янги божжона кодексини қабул қилиш орқали савдонини янада эркинлаштириш ва импорт учун маблағларни тўлиқ конвертация қилиш-

ни таъминлаш давом эттирилишидан миссия мамнунигини билдирди.


Расмий идоралар ва миссия ўрта муддатда иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун самарали молия секторини янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади. Миссия расмий идоралар томонидан банк тизимига бўлган ишонч янада мустаҳкамлаш мақсадида банкларни молиявий назорат ва давлатнинг газначилик операцияларини амалга оширишга доир функциялардан озод қилиниши ва шу билан бирга ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тизимининг халқаро стандартларга мослиги таъминланишини қўллаб-қувватлади.

Миссия миллий даромад, нархлар ва тўлов баланси статистикаси билан боғлиқ маълумотларга оид масалаларни ҳал этиш борасида расмий идоралар томонидан амалга оширилаётган ишлардан мамнун эканлигини изҳор этди.

Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида ишловчи бўлиб қолган иқтисодий ислоҳотларни давом эттиришда қўмақлашишга, шу жумладан, молиявий секторга ҳамда статистика соҳасига техник ёрдам кўрсатишга тайёр эканлиги миссия томонидан маълум қилинди.

### Воқеалар • Янгиликлар

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг навбатдаги битирувчиларига лейтенант унвонлари ва дипломлари топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда мазкур билим юрти ўқитувчи-мураббийлари, ҳарбийлар, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этди.



## КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимизнинг Олий Бош Қўмондони Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимиз ҳарбий тизимига амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли миллий армиямиз йил сайин такомиллашиб, ҳарбийлик нуфузли касбга айлиниб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Мазкур ҳарбий билим маскани — Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мототўқчи, разведкачи ва чегарачи бўлинмалари учун юқори малакали офицерлар, шунингдек, тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарларини тайёрлайдиган мамлакатимиздаги етакчи ҳарбий таълим муассасаларидир.

Тадбирда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти битирувчиси Ойбек Маҳмудов, ота-оналар номидан сўзга чиққан

Ҳамидулла Раҳматов ва бошқалар бугун катта ҳаётга йўлланма олган битирувчиларнинг келгусида мамлакатимиз Қуролли Кучларида етук мутахассис-кадрлар сифатида хизмат қилишида муваффақиятлар тилади. Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларнинг чқур билим олиб, комил инсонлар бўлиб вояга етиши борасида кўрсатилаётган доимий ғамхўрликка муносиб бўлиш ҳар бир битирувчи-офицернинг бурчи экани алоҳида таъкидланди.

Битирувчиларга лейтенант унвони ва дипломлари топширишга бағишланган ана шундай тантанали тадбирлар мамлақати-

миздаги бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларида, жумладан, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида ҳам бўлиб ўтди.

Жасур ЭНГОВЕВ,  
ЎЗА муҳбири.

### «Муруватли бўлайлик!»

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон симфоник оркестри, Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта академик театри санъаткорлари иштирокида хайрия концерти бўлиб ўтди.

«Муруватли бўлайлик!» шiori остида ўтган мазкур дастур Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бугунги кунда турли соҳаларда фидойилик билан меҳнат қилаётган хотин-қизлар, кам таъминланган билалар, ногиронлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мадад бериш мақсадида ўтказилган ушбу концертда жаҳон ва миллий опера намуналари, Ватанга меҳру муҳаббат голяри ифода этилган дилбар куй-қўшиқлар янгради.

Аҳдам ҲАЙИТОВ.

«Ўзвинсаноат-холдинг» компанияси корхоналарида 2007 йилнинг январь-май ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

142,6 фоизга ўсди

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



Ўтган давр мобайнида тизимда мавжуд қувватлардан унумли фойдаланилганлиги, корхоналарни модернизациялаш ва янги технологияларни жорий қилиш борасидаги ишлар давом эттирилганлиги, айниқса, халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганлиги шундай ижобий кўрсаткичга эришиш имконини берди.

## СПОРТ МАЙДОНЛАРИ СИЗГА МУНТАЗИР



Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Бериуний шундай деган эди: «Вакт пиллапоеси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан-зинага кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаятган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойтадиган навбатдаги авлодга етказиб беради».

Буюк аждодларга муносиб ворис бўлишга интилаётган бизнинг Миллий университетимиз олимлари ва талабалари илм-фаннинг барча соҳаларида тинмай изланиб келмоқдалар. Улар деярли барча соҳаларда фундаментал тадқиқотлар олиб боришяпти.

Донлар соғлом танди, соғлом ақл, деб бекорга айтишмаган. Зеро, етук, комил инсон бўлиш учун, аввало, одам соғлом бўлиши керак. Ўзбекистон Миллий университетида спортни оммалаштириш йўли билан




соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида катта ишлар амалга ошириляпти. Бунинг учун ҳамма шароит бор. Замонавий спорт иншоотлари, жиҳозлари етарли. Шу сабабли ҳам олий ўқув юртимиз талабалари ҳозирда анъанавий бўлиб қолган университетда спорт мусобақаларида ҳам, бошқа республика халқаро беллашуларда ҳам тобора юксак натижаларни қўлга киритиб, мухлисларини хурсанд этишяпти.

(Давоми 4-бетда).

# МАМЛАКАТ буйлаб

## Узлуксиз ишлаш имкони



Мамлакатимизнинг энг баланд тоғ минтақасида бунёд этилган Тўпалаң ГЭСи давлатимиз қудратининг яна бир тисолидир.

Утган йилнинг биринчи ярмида ушбу улкан иншоотнинг 2 та кичик агрегати ишга туширилган эди. Ҳар бири 7,5 МВт қувватига эга ана шу гидротурбиналар ёрдамида жорий йилнинг утган беш ойида 23 миллион 911 минг килоВатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Сув омборида йиғилган сув ҳажми эса 100 минг куб метрдан ошиб кетдики, бу иншоотнинг узлуксиз ишлаши, пировадидида хонадонларимиз чарогон, йўллар ёруғ бўлишини таъминламоқда.

**СУРАТДА:** ГЭС смена бошлиғи Ҳазратқул Салимов марказий бошқарув пултида. Сафарали ЭШМИРЗАЕВ олган сурат.

## Маҳорат сабоқлари

Пойтахтимиздаги "Shodlik Palas Hotel" меҳмонхонасида Европа Иттифоқининг Менежерлари тайёрлаш дастури доирасида анжуман бўлиб ўтди.

Лойиҳадан қўзланган мақсад Ўзбекистон, Россия, Украина, Озарбойжон мамлакатлари ёш мутахассис раҳбарларининг ЕИ давлатларининг илгор компанияларида амалиёт ўтаб, иқтисодий билим ва кўникмаларини янада бойитишдан иборатдир.

Маъмур дастурнинг Ўзбекистондаги раҳбари Баҳодир Донаевнинг айтишича, ҳозирга қадар 240 нафар ҳамюртимиз хорижда касбий маҳоратини ошириб қайтган. Таъқидландики, дастурнинг навабдиди босқичи давомида яна 809 нафар мутахассис малака ошириши мўлжалланган бўлиб, уларнинг 84 нафари республикамиз вакилидир.

## «Биз уйингизга шошилаяпмиз»

Бугун Хоразм вилояти аҳолиси бундай сўзларни умумий амалиёт шифокорларидан бот-бот эшитадиган бўлишди.

Гап шундаки, «Ижтимоий ҳимоя йили»да вилоятда 157 нафар умумий амалиёт шифокорлари жойларда зарурат юзасидан, шунингдек, белгиланган режа асосида хонадонларга ташриф буюрмоқдалар. Улар хонадон аъзолари соғлигини текшириб, жиддий хасталикка чалинган бўлсалар, касалхонага ётиб даволанишни маслаҳат берадилар.

## Фарзандлар эъзозда

Косонсой туманининг Маҳдуми Аъзам Косоний номи билан аталувчи боғида ҳар кунни маданий ва маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Кунни кеча бу ерда мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари томонидан ясалган кўйрочлар ва расмлар кўриги бўлиб ўтди. "Шаршара" оромгоҳида эса кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон ва етим болалар учун ҳомийлар томонидан катта дастурхон ёзилди. Ҳомий ташкилотлар, фермер ва тадбиркорлар болажонларга ўз совғаларини тортиқ эттишти.

## Соҳибкорлар маслаҳати

Кўкюн шаҳрида Фарғона водийси вилоятларида узумчилик билан шугулланадиган агрофирмалар, фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.



"Узвинсаноат-холдинг" компанияси томонидан ташкил этилган ушбу анжуман етиштирилган узум ҳосилини тез ва сифатли йиғитириб олиш ва қайта ишлаш масалаларига бағишланди. Тадбирда агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналарини узум хошмашиси билан таъминлаётган фермерларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини кўпайтириш ҳақида сўз борди.

## Хуршида — энг яхши ҳамшира

Қашқадарь вилоятида «Ҳамшира-2007» кўрик-танлови ўрта тиббиёт ходимларининг маҳорат синовида айланди.

Барча шартларни аъло даражада бажарган Китоб туманидаги бола-лар шифохонаси ҳамши-раси Хуршида Отабоева кўрик-танловнинг республика босқичига йўланма олди.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Айни эл бўладиган ёшимизда шаҳарга кетганимиз учунми, ҳамқишлоқларимнинг айримлари ҳалигача таниб-танимайди. Соғиниб борганимда бегонадай муомала қилишди. Уртаяшар кишилар мулоимлик билан: «Кимнинг ўлиси, ука?» дейишса, боболар самимий ва дангал қилиб: «Сен кимлардсан?» деб қўйишди.

## Ҳамқишлоқлар

Энимдаги ўртоқларим эса худди шу саволни кутиб тургандек, таништира кетади: «Бу йигит журналист, фалон жойда ишлайди, шаҳарда яшайди...» Мен эса хижолатимиз бош иргаб турман-у, шу ерига келганда: «Фалончининг неварасиман, шу элнинг боласиман» дегим келади. Касбимиздан сўз очилганда эса журъат қилолмайман. Эндигина атак-чечак қилаётган мухбир бўлсам-да, «э, журналистмисиз» деб сўрашди, уч-тўрт оғиз фикр-мулоҳаза билдиришди. Сўз охирида эса: «Биз ҳақимизда бир ёзсанг-чи» деб қўйишди.

Аслида ўзинг туғилиб ўсган, ой ўтмай соғиниб борадиган жойингдан ҳайратланиб бўлмайди. Уша-ўша уйинг, оддийгина кишлоқ, таниш одамлар... Не бахти, бу галги сафарим чўзилиб, кишлоқдошларим турмушини кўпроқ кузатиш. одамлар кайфиятига теранроқ назар солишга имкон туғилди.

Дастлабки кун, одатдагидек, бозор айландим. Расталардаги маҳсулотларнинг хилма-хиллиги, тўқилганидан кўзим қувонди. Арзимас пулга икки кўчак мева-чева олдим, укаларимни роса хурсанд қиламан деган ҳаёлда уйга кириб бордим. Ҳовлимизни тўқдириб юрган болакайлар гур-р этиб бўйинимга осилишди. Қизикиш билан уч-тўрт мева олишди-ю, уларниям уйин баҳона қўшни болаларга тарқатиб юборишди.

Кейин билсам, бу йил кишлоғимизда мева, сабзавот дегани мўл-кўл бўлибди. Бизда йўғи ҳамсояда, уларда йўғи бизда бор. Томорқадан чиққаннинг ўзи омборлардан ортапти.

Кўшимча томорқамга картошка экандим. Бозорга опчикиб сотай десам, арзон бўп кетди, — дейди Абдусаттор ошман.

— Уйқаланманг, Сатторбой, — дейди киноя билан сўхбатимизни эшитиб турган кўшни Жума бобо. — Арзончилик бўлса, яхши-ку! Одамлар нарсанинг қийнالمалли олса, шукри бўлади. Сен ҳам керагини арзонга оласан. Бизнинг давримиздаги-га ўхшаб, бир ойлик меҳна-

# ШУ ЭЛНИНГ БОЛАСИМАН

тингга устинг ямалмаса, нима қилардинг. Тагинам, ҳозир ундай қийин иш йўқ. Меҳнат қилган кам бўлмаяпти.

Дарҳақиқат, меҳнат қилган кам бўлмаяпти. Қимирлаган қир ошаяпти. Буни фермеру тадбиркорларимизнинг юксалишларида ҳам кўриш мумкин. Улар бугун ўзининг ва ишчиларининг рўзгорини тебратиш билан бирга элулус корига-да ярамқода. Абдувайит фермер Ғамбур ва Ниёзий кўчаларини боғловчи йўлга асфальт ётқизди. Жовли бобо кўприкни кенгайтирди. Урзозат маҳсум кишлоқ марказида маҳалла гузари бунёд этди. Унга ёндош Саид ишбилармоннинг чойхонаси қад кўтарди. Яна бир неча дўкон, хизмат кўрсатиш шох-бачалари ҳам маҳалла йиғилариники. Гўё кишлоғимиз ахлит бир организм бўлиб қолгандек.

Туман аҳлининг тўқин ва фаровонлиги маҳалламизда ўтган спорт мусобақаларида яна бир бор намоён бўлди. Тўқин полвоннинг хотирасига бағишлаб ташкил этилган бу турнирда бутун вилоятдан одамлар келди. Аввалига

қишлоқ ёшлари ёндош маҳаллалар футболчиларига қарши тўп суришди. Кейин Тўқин полвон билан бел олишиб юрган баҳодирлар ва ҳарбий сафларда елкамаелка турган йиғитлар давра тортди. Бир-бирига қўл беришиб, кураш тушди. Ҳаракатларида салобат ва вожоҳат кўринса-да, юраклари эзлиб-эзлиб олишмишди.

Мусобақа сўнгида элга ош тортилди. Барча меҳмонларга совага-саломлар улашилди. Кўпни кўрган боболар полвоннинг ўғилларини даврага чиқариб, дово бердилар.

Энг қувончлики, бу хайрли тадбир кишлоғимиз ахлининг бирдам ва ҳамжадамлиги билан файзли бўлди. Марҳумнинг ака-укалари ташаббусини оқсоқоллар маъқуллади. Маҳалладаги тадбиркор ва фермерлар қўллаб-қувватлади. Туман ҳокимлиги ҳам рағбату мададини аямди.

Мана, дейман ўзимга ўзим, меҳр-оқибатнинг қалблари тўқинлангирувчи экинчи. Жамиятимизда яратилган соғлом ижтимоий муҳитнинг жонли мисоли. Меҳр-

муруват, Ҳомийлар ва шифокорлар, Ижтимоий ҳимоя йилларидан қўзланган мақсадларнинг янги куртаклари. Энг муҳими, Президентимизнинг бу ташаббуслари одамлар орасида эзгу фазилатларни янада жонлантириш билан бирга ортиқча исрофгарчилик, манманлигу дабдабозликка ҳам барҳам берди.

Бир даврада тўю маъракаларимиздаги расм-русуملар, уларнинг миллий ва ху-

тишмаганиди. Тугал бўлганимизда эса анча кеч тушиб қолган, йўл томонда булутлар тўплана бошлаганди. Нима қилишни билмай турардик, қишлоқ томондан яқинлашаётган олтиқинг овози хаёлимизни бўлди.

— Ха, йиғитлар, сафар қаридими? — деди у саломалиқдан сўнг. Биз булутларга ишора қилиб, кетолмаслигимизни айтдик.

— Тўғри, пастда жала қуяпти, ҳализамон йўлниям

ловчимиз хавотири сабабини кейин айтиди: кечаси бу ерларда қўшмилтиқли очви ҳам ухломмайди.

Борсақ, мезбон янгамиз ҳам йўқотган нарсасини топагандай бўлиб:

— Хайрият-ей, топилиб-сизлар. Акангиз: «Хамма саҳ-ҳатчилар қайтиди, лекин анов йиғитлардан дарак йўқ» деб кетганди. ...Совуққотган булсаларингиз керак, қани уя кирилганлар, — деди.

Хўла, шу ерда тундик. Кўрпа-тушак, нон-туздан камимиз бўлмади. Бу ҳам етмагандек, хонамизга телевизор ўрнатиб беришди.

— Тўғриси айтсам, сизларга бир мактангим келди, — дейди Шавкат ака. — Олдинлари бу ерда телевизор кўрсатмас эди. Яқиндан бери шундай тоғли жойларга бир аппарат ўрнатиляпти экан. Энди қаранг, қандай тиник кўрсатяпти. Бошқа каналлариям бор. Раҳмат-ей, шу ишлар бошида ҳам Президентимизнинг ўзлари турган экан.

Ҳа. Юртбошимизнинг шахсан ташаббуслари билан йўлдошли алоқа тизимлари орқали телерадиодастурларни тарқатиш тизими ташкил этилганидан, уноа биоан, тўқин етиб бормайдиган 300 дан ортиқ аҳоли пунктларига йўлдошли қабул қилиш қурilmалари ўрнатилаётганидан хабарим бор эди. Уша кун эса бу эзгу ишлар одамлар кўнглини канчалар кўтарганининг, болаларни илм-маърифатга, ёшларни оғоҳлик ва ватанпарварликка қўрлаётганининг гувоҳи бўлдим.

Қайтаётиб, қисқагина сафарим давомида кўрган-кечирганларим кў олдидан ўтди. Шулар асосида бирор нарсга ёзишни ният қилдим. Гарчи бу мақолада «Биз ҳақимиздаям ёз» деган инсонларнинг барчаси тўғрисида айтиб бўлмасам-да, уларнинг ҳар бири истеъдоди ва меҳнати билан эътирофга лойиқлигини ҳис этдим. Шунинг баробарида, «сен кимлардсан» деган саволга «шу элнинг боласиман» дея жавоб беришдан олдин ўз элимга, озми-кўпми, хизмат қилишим лозимлигини тушундим. Зеро, йиғитнинг бахти ҳам, баҳоси ҳам эл бўла оlishда экан.

Анвар САМАДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## МАҲАЛЛАДА ЯНГИ МАКТАБ

### Бунёдкорлик



Тошкент туманидаги «Наврўз» маҳалласида «Саноаттехмонтажсервис» очик акциядорлик жамияти томонидан 490 ўринли мактаб бунёд этиляпти. Қурилиш объектининг умумий қиймати 1 миллиард 93 миллион сўм бўлиб, ҳозиргача ишнинг 85 фоизи бажарилди. Қурувчилар уни 1 августгача фойдаланишга топшириш мақсадида ишни жадаллаштирмоқдалар. Бу уларнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллик тўйига муносиб тўенаси бўлади.

СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонидан лавҳа; қурувчилар Мейроҳид Комилов ва Олим Жабборов. Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

## Фам Зуй ШОН:

# «МЕН МАМЛАКАТИНГИЗНИ, ЯРАТУВЧИ, МЕҲНАТСЕВАР ВА МЕҲМОНДУСТ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ ЧИН ҚАЛБИМДАН СЕВАМАН»

(Давоми. Боши 1-бўта).

билан хайрлашишдан олдин Вьетнам ва Ўзбекистон ўртасида барча соҳаларда илқ ва дўстона муносабатлар мавжуд эканини алоҳида қоникши билан қайд этишни истар эдим. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилиш биз учун жуда ёқимлидир.

Ўзбекистон — қўнча ва бой тарихга эга бўлган гўзал мамлакат. Бу ерда кеңирган йилларим ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолади. Мен мамлакатингизни, яратувчи, меҳнатсевар ва меҳмондўст ўзбек халқини чин қалбимдан севаман.

— Мамлакатларимиз ҳамкорлигининг истикболлари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз...

— Бизнинг дўстона муносабатларимиз ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз кун сайин ривожланоқда ва мустақамланиб бораётир. Ишончим комилки, бу жара-

мехмондўстлик билан кутиб олганларини алоҳида таъқидлашдан маннунман.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистондан ватанингизга қайтиб кетаётган шу топда кўнглингиздан нималар кечмоқда? — Мен юртингизда 3 йил 8 ой яшадим. Мамлакатингиз мен учун иккинчи ватан бўлиб қолди. Мен бу ерда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис қилдим. Фаолиятим давомида ўзбек дўстларим мени доимо қўллаб-қувватлашди.

Вьетнамда мени кутаётган яқинларим, дўстларим билан қўришишга ошқайтман, албатта. Бироқ, айни пайтда гўзал ўзбек заминини тарқ этиш осон кечмаётганини ҳам эътироф этаман. Ўзбекистон халқига, юртингиздаги кўп сонли барча дўстларимга чин дилдан бахт-саодат, мустақам соғлик ва улкан зафарлар тилайман. Тинчлик-хотиржамлик ва муваффақиятларимиз бардавом бўлсин.

Сухбатдош: Шўртак УМИРОВ, «Ҳақон» АА мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 19 шондан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юретиши, шунингдек, божхона ва қиймат тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийдаги қийматини белгилади.\*/

1 Австралия доллари	1064,03	1 Исландия кронаси	20,32	1 Швейцария франки	1017,92
1 Англия фунт стерлинги	1185,31	1 Канада доллари	1185,31	1 ЕВРО	1691,88
1 Дания кронаси	227,34	1 Ҳаной юани	165,67	10 Жанубий Корея юани	13,62
1 БАА дирҳами	344,05	1 Малайзия ринггити	367,84	10 Япония юени	102,31
1 АКШ доллари	1263,54	1 Польша злотийеси	446,01	1 Россия рубли	48,54
1 ЕВРО фунти	222,26	1 СДР	1901,32	1 Украина гривнаси	250,21
		1 Туркия лираси	966,75		

\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни уйбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

## 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Меҳр-оқибат, одамийлик тўғрисида саҳоватпеша халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўб мазмун-моҳияти билан унинг-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етказишга қаратилган. Айниқса, кўнгли ўқиса болажонлар кўзида қувонч кўриши — қилинаётган ишлардан қутулган самарадир.



## МЕҲР МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидида Меҳрибонлик уйлари соғломлаштириш марказларида болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган кўрсатилган гамаўрликнинг бир қисми, ҳолос.

Бўстонлик тумани Қизилсув қишлоғидаги Республика Меҳрибонлик уйлари соғломлаштириш маркази, етти йиллик тарбияланувчилар билан гамаўр бўлади. Ҳар йили уч навабтда дам оладиган 260 нафар болажон учун 16 тарбиячи, ҳамширалар хизмат қилишади. Бу ерда махсус болажон шифохонаси, турли спорт тўғрақлари, кутубхона ва машғулотлар учун махсус хоналар мавжуд. Болажон мамлакатимизнинг турли гушаларида Меҳрибонлик уйларида келишган бўлса-да, бир қарашда, ягона оила фарзандларидек тотуликларини сезиш қийин эмас.

Оромгоҳ ҳовлисига кирарканми, бир талай болажон юзуби келиб, қўллари қўсиқда саломлашмишди. Журналист эканлигимизни билшигача эса, бир-бирларининг истеъдодини мактаб кетишиди: «Али зўр расм чиқазди, Маҳсума қўшиқ қуйлайди, Фозил инглиз тилида бемалол гапи-

ради...» Уларнинг ҳар бири алоҳида олам, ҳар бирининг кўнгли беғубор кўзларида шундоққона кўришиб турибди.

— Бизга опаларимиз каттиятли ва мард бўлишни, улгайгач, Ватанимизни ҳимоя қилиш бурчимиз эканини уқтиришган, — дейди 12 ёшли Алибек Юсупов. — Ҳарбийларга ҳавас қилганим учун шу касбни эгалламоқчиман.

Унинг сўзларига бошқалар ҳам жўр бўлишди. Бир-бирига сўз бермай орузлари билан ўртоқлашаётган болакайлар юзидидаги табассум ва хурсандчиликни кўриб дил ярайди. Ва беҳиётлар уларга меҳр улашаётган инсонларга тасанно, дейсиз.

— Болажонларнинг бу ерда бўш вақтлари бўлмайди, — дейди ўзини Гулжаҳон Раҳматова дея таништирган Самарқанддаги 6-Меҳрибонлик уйи директор ўринбосари. — Бу қора кўзлар жўр фарзандимиздек бўлиб қолган. Болажоннинг хавотирга тушишини қаранг. Уларни ташлаб кетишга қўзим қийрмиди?..

— Жойлардаги Меҳрибонлик уйларидаги тарбиячилар болажон билан бирга келишган, — дейди ўзини Гулжаҳон Раҳматова дея таништирган Самарқанддаги 6-Меҳрибонлик уйи директор ўринбосари. — Бу қора кўзлар жўр фарзандимиздек бўлиб қолган. Болажоннинг хавотирга тушишини қаранг. Уларни ташлаб кетишга қўзим қийрмиди?..

турли ижод намуналари, уйинчоқлар ясалётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда «Эр-тақлар яхшиликка етаклар», «Иқтидорилар танлов» сингари кичик беллашувлар ўтказилиши ҳам уларнинг билим савияси ўсишига кўмак беради.

Марказдаги болажонларни кузата туриб, тарбиячи опалардан бирининг «Болажон, мен эртага Самарқандга кетаман!» дегани қўлгимизга чалинди. Ўгирилиб қарасак, беш-олти нафар болажон мултираб туришибди. Айримлари «Йўқ, кетмайсан!» «Мен ҳам сиз билан кетаман» дея хархашага тушибди.

— Жойлардаги Меҳрибонлик уйларидаги тарбиячилар болажон билан бирга келишган, — дейди ўзини Гулжаҳон Раҳматова дея таништирган Самарқанддаги 6-Меҳрибонлик уйи директор ўринбосари. — Бу қора кўзлар жўр фарзандимиздек бўлиб қолган. Болажоннинг хавотирга тушишини қаранг. Уларни ташлаб кетишга қўзим қийрмиди?..

Ҳа, ҳақиқатан, бу масканда меҳр улашади. Ана шу бекиёс меҳр тўғрисида болажонлар мушфиқ опаларидан йироқлашишни исташмайди.

Шоира БОЙМУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport




хис қилади. Режа билан эки-либ, кўкка буй чўзиб турган арчазорлар, манзарали дарахзорлар, анвойи гуллар дилингизни яшатиб юборади. Равон йўллар, спорт иншоотлари, дўконлар, умумий овқатланиш шохобчалари, китоб, газета-журнал дўконлари, шинам бозорча талабалар хизматида. Универсиада иштирокчилари жойлашадиган ётоқхоналарда шароит тубдан яхшиланди. Ҳар бир ётоқxonанинг биринчи

**Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати ўн учинчи тур учрашувлари бошланди.**

## ЎН ТЎРТИНЧИ СОНИЯДАГИ ГОЛ

Пойтахтимиздаги МХСК стадионидики икки пешқадам жамоа — «Пахтакор» ва «Нефтчи» майдонга тушди. Хабарингиз бор, иккала жамоа ҳам чемпионлик учун асосий давогарлардан ҳисобланади. Хали стадион суҳандони жамоалар таркибини таништиришга улурмасдан Ринат Байрамов «Пахтакор»ни олдинга олиб чиқди. Бу вақтда учрашувнинг эндигина ўн тўртинчи сонияси давом этаётган эди. Утказиб юборилган тўдан сўнг фарғоналик футболчилар кўлаб хавфли ҳужум уюштиришди. Лекин, уларнинг бирорта-



си якунига етмай қолди. Шу кунги Асрор Алиқулов бошчилигидаги «Пахтакор» ҳимоячилари яхши ўйин намойиш этишди. Иккинчи бўлимда Сервер Жепаров, Элдор Магдиев ва Александр Гейрихлар тўп қиритиб, «Пахтакор»нинг йирик — 4:0 ҳисобидаги галабасига муносиб ҳисса қўшди. Ушбу галабадан сўнг «Пахтакор» 35 очко билан биринчи ўринга кўтарилиб олди. Иккинчи ўринда бораётган «Нефтчи» ҳисобида 34 очко бор. Ўн учинчи турнинг қолган ўйинлари кеча бўлиб ўтди.

## СПОРТ МАЙДОНЛАРИ СИЗГА МУНТАЗИР


(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз «Универсиада-2004» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригида: «Бугун юртимизда ёш авлод камолоти, унинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун яратилган кенг имкониятлар ва уларнинг негизда кўлга киритилган ютуқлар истиқлолимизнинг халқимиз, ёшларимиз олдида қандай катта йўллар, янги уфқлар очиб бераётганини яна бир қарра тасдиқлайди», деган эдилар. Ушбу сўзларни эслганимизда истиқлол Ўзбекистонга, унинг келажаги бўлиши ёшларга ўзини намойиш этишга кенг имкониятлар очиб бераётган-

лигини қалбдан ҳис этамиз. Бу йил Тошкентда бўлиб ўтадиган универсиада беллашувларининг бир қисми Миллий университетга тегишли спорт масканларида кечади. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қарақалпоғистон Республикасидан келган спортчиларнинг кўпчилиги олий ўқув юртимиз ётоқхоналарида яшайдилар. Биз уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари, машқ қилиб, маҳоратларини оширишлари учун тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз. Спорт иншоотларида юксак натижаларни кўлга киритиш учун имконият ва шароит ҳозирлаб қўйилган.

Талабалар шаҳарчаси қисқа муддат ичида деярли қайта қурилди. Ҳозир бу ерга келган киши ўзини истироҳат боғига кириб қолгандек

қаватида маънавият хонаси, кутубхона, дам олиш хоналари, ошхона, кафелар ишлаб



турибди. Юқори қаватлардаги ҳордиқ хоналари икки кишига мўлжалланган. Бу ерда юмшоқ меъбел, стол, стул, поёвдон, пардалар, радио, телевизорлар қўйилган. Душхона, овқат пишириш жойлари мавжуд.

Хуллас, яратилган бундай шарт-шароит талабалар спортда юксак натижаларга эришишига имконият яратиши деб ўйлайман. Бундан ташқари навбатдаги универсиада спортчиларимизнинг жаҳон ареналарида фахрли ўринларни кўлга киритишларида ўзига хос маҳорат мактаби ролини ҳам ўтайди.

**Гофуржон МУҲАМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Миллий университети ректори,  
профессор.

## ҲАВАСКОРЛАР БОКСИДА ЯНГИ ҚОИДАЛАР

Халқаро ҳаваскорлар бокс федерацияси — АИВА мусобақалар қоидаларига ўзгартириш киритмоқчи. Унга кўра, боксчилар зарбаларини аниқлайдиган электрон ҳисоблагичда ислоҳот ўтказилади.

Ҳозиргача электрон ҳисоблагич тўғрисида беш нафар ҳакамнинг учтаси бирданига босганда боксчи очко берилар эди. Эндиликда ҳар бир ҳакам очколарни алоҳида ҳисоблаб боради. Яқинда умумий натижага қараб ғолиб аниқланади. Мутахассислар фикрича, бу янгилик

бокс мусобақаларининг янада адолатли ўтишини таъминлайди.

Агар, янги қоидалар синовдан муваффақиятли ўтса, 2008 йил Пекинда бўладиган ёғи Олимпиада ўйинларида амалиётга татбиқ этилади.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Қурувчи, тадқиқот ва кадастр ташкилотлари диққатига!

- қурилишда ишлатилмайдиган ўлчов-тадқиқот асбоб ускуналари;
- бузмасдан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
- оптик ва рақамли нивелирлар, оптик ва электрон теодолитлар;
- лазер ва электрон масофа ўлчагичлари;
- фиброглас ва темирли узунликни ўлчовчи рулеткалар (3 м, 5 м, 8 м, 20 м, 25 м, 50 м, 100 м);
- электрон тахеометрлар, GPS/ГЛОНАСС — тизимлари, GARMIN шахсий ва автонавигаторлари.

Тўловни узайтириш имконияти билан, божхонада расмийлаштирилган ва сертификатланган GPS тизимларини тақдиф этамиз.

**Кредитга расмийлаштириш имконияти**

Тошкент ш., Навоий к., 2-«А» уй. **Тел.:** 142-46-31, 134-53-66. **Факс:** 134-53-68.  
E-mail: geo\_inform@yahoo.com

Махсуслотлар сертификатланган, хизматлар лицензияга эга.

**СКБ СТРОЙПРИБОР** **SOUTH 南方测绘** **Trimble** B.V. (Нидерланды) **СРЕСТА**

## ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР!

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ

2007-2008 ўқув йили учун қуйидаги йўналиш (мутахассислик)ларда бакалавр (магистр)лар тайёрлаш учун ўқишга қабул эълон қилади.

### БАКАЛАВРИАТ ЙўНАЛИШЛАРИ

№	Шифри	Бакалавриат таълим йўналишлари номи
1.	5140900	Касб таълими (авиасозлик таълими йўналиши бўйича)
2.	5340200	Менежмент (авиация соҳаси бўйича)
3.	5340300	Маркетинг (авиация тармоғи бўйича)
4.	5520800	Авиасозлик
5.	5520900	Авиа ва ракета-космик техникадан фойдаланиш
6.	5521300	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологияси
7.	5524200	Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг радиоэлектрон жиҳозларидан фойдаланиш
8.	5811400	Сервис (транспорт вოსиталари бўйича)
9.	5840100	Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш
10.	5860100	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги

### МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ

№	Шифри	Магистратура мутахассисликлари номи
1.	5A140901	Касб таълими (авиасозлик таълими йўналиши бўйича)
2.	5A340201	Менежмент (авиация соҳаси бўйича)
3.	5A520801	Учиш аппаратларини синаш
4.	5A520803	Учиш аппаратларини ишлаб чиқариш технологияси
5.	5A520804	Учиш аппаратлари конструкцияси ва уларни лойиҳалаш
6.	5A520901	Учиш аппаратлари ва уларнинг тизимларидан фойдаланиш
7.	5A521313	Пилотаж-навигация комплексларининг авиация электр тизимларини техник ишлаши
8.	5A522008	Локация, навигация ва бошқаришнинг радиоэлектрон тизимлари ва қурилмалари
9.	5A840101	Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш

Институтда ўқиш истагиди бўлганлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари:

- институт ректори номига ўқишга қабул қилиш тўғрисида ариза;
- тўлиқ ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли;
- У-086 шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3x4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат.

Ҳарбий хизматга алоқадорлик тўғрисидаги ҳужжат ва паспорт ҳужжат топшириш жараёнида шахсан кўрсатилади.

Изоҳ: ҳаводаги ҳаракатни бошқариш йўналишига ўқишни хоҳловчилар махсус тиббий кўриқдан ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.

## Об-ҳаво қандай бўлади?

(19-23 июнь)

Республика Гидрометеорология хизмати марказидан олинган маълумотларга қараганда, 19-23 июнь кунлари юртимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди.



### Иқлим

Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат бугун кечаси 17-22, кундузи 34-39, 20-23 июнь кунлари кечаси 19-24, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади. Жанубий ва чўл худудларида эса ҳарорат 39-44 даражага кўтарилади.

Республикамизнинг тоғли жойларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайдди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечалари 12-17, кундузи кунлари 25-30 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

## «Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Газсервис» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳувавадаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни тақдиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун қоғолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

1. Тошкент ш., «Миробод» (собик «Госпитал») бозори, сонаот моллари қотаридаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри хайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

# ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

## Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

**GAZ-3221,**  
Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

**GAZ-31105, «ВОЛГА»**

**GAZ-33023 «Фермер»,**  
юк кўтариши — 1,5 тн.,  
6 ўриндиқли

**GAZ-32214 (4x4)**  
«Тез ёрдам»

Махсуслот сертификатланган

**GAZ-3307, 40 та**  
газ баллонлари ташувчи

**GAZ-2705, 7 ўриндиқли**  
металл билан қопланган фургон,  
юк кўтариши — 1,3 тн.,  
3 ёки 7 ўриндиқли

**GAZ-3309 Турбодизель**  
юк кўтариши — 4,5 тн.,  
2 ўриндиқли

**GAZ-3307**  
Автоэвакуатор

**GAZ-3302, нон ташийдиган,**  
лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

**ТУЛОВ ШАКЛИ ТУРЛИЧА**

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАҚДИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.; - 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЙОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

**ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ:** «Волга», «Газель», «Соболь».

**ЮК МАШИНАЛАРИ:** озиқ-овқат, сонаот моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенсорлар, автогидроқўтаргичлар, автостоҳоналар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.

**АВТОЦИСТЕРНАЛАР:** сўт ташийдиган, ёниги ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» кт., 16-«А» уй.  
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62, Тезкор мулоқот линияси телефонлари:  
126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Қўмита аъзоси Б. Далабоевга онаси **ҲАЙИТБИ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Ю.Нишоновга онаси **ТОЖИХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси жамоаси қўмита раисининг ўринбосари Акбар Муҳамедовга падари бузруквори **АХТАМ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банк тасарруфидиган Марғилон банк коллежи кундузи бўлим мудири **Баҳодир МАҲКАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА жамоаси Агентликнинг масъул ходими Тошбиби Амоновага акаси **Тошбулат АМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллари институти жамоаси чет тиллар кафедраси мудири Ҳилола Ҳамидовга падари бузруквори **Ҳамид ТИЛЛАШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақа бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар **Жамшед Тогев** ва **Мухаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Г — Тўжорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,  
Набатчи котиб — А. Орпов,  
Набатчи муҳаррир — М. Жонихонов,  
Набатчи — Ш. Ортиқов,  
Мусаввир — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.45 2 3 4 5 6